2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 237 (759), 2022 йил 19 ноябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВА ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррелни қабул қилди.**





Пандемиядан кейинги даврда жадал иқтисодий тикланиш ва минтақалараро ўзаро боғлиқликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги шерикликни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” форматидаги вазирлар учрашуви ҳамда “Барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзуидаги ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференциясининг сермаҳсул якунлари юксак баҳоланди. Давлатимиз раҳбари Европа дипломатияси раҳбарига ушбу муҳим тадбирларни қўллаб-қувватлагани ва уларда шахсан иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

Жозеп Боррель, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини олқишлади ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари бу борада катта муваффақиятларга эришганини таъкидлади. Евроиттифоқ бундан буён ҳам минтақа давлатлари билан сиёсат, савдо, инвестиция, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ниятида.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Самарқанддаги конференция якунлари бўйича қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда имзолашга келишиб олинди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# “ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ УЧУН ГЛОБАЛ ДАРВОЗА” МАВЗУИДАГИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!**
**Ҳурматли конференция иштирокчилари!**
**Хонимлар ва жаноблар!**

“Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзуидаги биринчи конференциянинг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Тадбирда бевосита иштирок этаётган Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррель жанобларига, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки раҳбарларига ўзимнинг алоҳида ташаккуримни изҳор этишдан мамнунман.

Яқинда илк бор бўлиб ўтган Марказий Осиё — Европа Иттифоқи давлат раҳбарлари саммити ҳамда бугунги халқаро анжуман томонларнинг стратегик ҳамкорликка бўлган қатъий интилишини яққол намоён этмоқда. Биз алоқаларимизга катта куч ва шиддат бағишлайдиган бу каби мулоқот ва учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Ҳурматли тадбир қатнашчилари!**

Бугунги кунда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган турли зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, турли замонавий таҳдидлар минтақалар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилинган бўлса-да, афсуски, оғир синов даври бўлган пандемия туфайли аввал белгилаб олган кўпгина режаларимиз, европалик ҳамкорларимиз билан кун тартибидаги энг муҳим вазифаларни тўлиқ амалга оширдик, деб айта олмаймиз.

Шу сабабли Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур анжуман Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида мулоқотларни фаоллаштириш, ҳамкорлигимизни амалий дастур ва лойиҳалар билан бойитиш, минтақалараро очиқ ва самарали алоқалар тизимини шакллантириш, кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Биз жадал ривожланиб бораётган икки муҳим минтақанинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, “Глобал дарвоза” ташаббусини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида устувор йўналишлар — рақамли трансформация, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва “яшил ўсиш” лойиҳаларига алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Авваламбор, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг рақамли трансформация борасидаги улкан салоҳиятидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва инклюзив ривожланиш йўлида унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз Европа Иттифоқининг минтақамизни боғлайдиган кенг оптик толали йўлаклар барпо этиш, бошқарув ва ижтимоий соҳа, саноат, соғлиқни сақлаш, таълим, молия ва қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган режа ва дастурларини қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, жаҳон бозорларига чиқиш, глобал интеграция ва ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этиш учун транспорт йўналишларини диверсификация қилиш минтақамизнинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарб вазифа ҳисобланади.

Бу борада Европа Иттифоқининг қатор ташаббуслари минтақаларимиз ўртасида энг мақбул ва самарали транзит ва логистика инфратузилмаларини яратишга хизмат қилишига аминмиз.

Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш орқали Европа қитъасининг Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга, Марказий Осиё мамлакатларини эса ташқи бозорларга энг қулай транспорт йўлаклари воситасида чиқишига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, Европа Иттифоқи “яшил ривожланиш” бўйича бизнинг асосий ҳамкоримиз ҳисобланади.

Минтақамизда энергияни самарали сарфлайдиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш, қайта тикланадиган энергия манбалари имкониятларини тўлиқ ишга солишда биз, албатта, вакиллари бу ерда тўпланган барча Европа давлатларининг энг илғор ва замонавий тажрибасига таянамиз.

Ҳеч шубҳасиз, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, инклюзив “яшил ўсиш”га ўтиш, сувдан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бундан кейин ҳам кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Шу маънода, атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича келгуси йили Рим шаҳрида бўлиб ўтадиган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” халқаро конференцияси ушбу йўналишда аниқ амалий натижаларга эришишга имкон яратишига ишонамиз.

**Ҳурматли тадбир қатнашчилари!**

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган биргаликдаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз албатта, ўз ижобий натижасини беради.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги мазкур платформа мунтазам тус олиб, унинг сессияларида ҳамкорлигимизнинг долзарб мавзулари бўйича самарали муҳокамалар ўтказилади, минтақавий алоқаларимизга дахлдор умумий ёндашувлар ва кўп томонлама дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, деган умиддаман.

Ушбу барча долзарб масалалар, эришиладиган келишув ва аниқ лойиҳалар бугун қабул қилинаётган Самарқанд декларациясида ҳамда тасдиқланадиган кенг қамровли “йўл харитаси”да ўзининг батафсил ифодасини топади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга — конференциянинг барча иштирокчиларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

# ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини самарали ташкил этиш, ўрмон хўжалигида бошқарувни мақбуллаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Дарахтзорлар ҳаво тозалигини таъминлайдиган, юртга кўрк бағишлайдиган бойликдир. Бундай ҳудудларни кўпайтириш мақсадида ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилинган эди. Унинг доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланди. Юртимиздаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилди.

Ўтган қисқа вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 535 гектар дарахтзор, 638 гектар “яшил жамоат парклари” ташкил этилди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси тузилиб, зарур техникалар билан таъминланди.

Юртимиздаги экологик вазият ва бажарилган ишлар таҳлили бу ҳаракатни янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, атмосфера ҳавоси турли кимёвий моддалар ва оғир металлар билан ифлосланган. Кўчатлар экиш ва парваришлаш жараёнларида ҳокимликлар билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг вазифалари аниқ тақсимланмаган.

Шу боис, ушбу тадбирларга Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ягона масъул ташкилот этиб белгилаш таклиф этилмоқда. “Яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни барпо этиш, дарахтларни парваришлаш ва уларни 3 йил давомида сақлаш “Яшил ҳудуд” корхонаси томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, дарахтлар экиладиган ер майдонларини аниқлаш ва лойиҳалаштириш, кўчатхоналарни кўпайтириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ўрмон хўжаликлари учун махсус техникалар сотиб олиш чоралари назарда тутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ишларнинг мамлакатимиз экологияси ва халқимиз саломатлигидаги аҳамиятини таъкидлаб, чора-тадбирларни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди.

**ЎзА**

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

**17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё” форматидаги тадбирлар ўтказилди.**

Жумладан, 17 ноябрь куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда барқарор энергияни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳасига бағишланган давра суҳбати ва “Марказий Осиё ёшлари овози” форуми ташкил этилди.

18 ноябрь куни эса “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига мурожаатномасини давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда

# Ўзбекистон – Франция АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 21-22 НОЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ФРАНЦИЯДА БЎЛАДИ**

**Таъкидлаш жоизки, бу давлатимиз раҳбарининг Францияга иккинчи ташрифидир. Президент Шавкат Мирзиёев Франция Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан илк бор тўрт йил аввал, 2018 йилнинг 8-9 октябрь кунлари ушбу мамлакатга ташриф буюрган эди. Франция Ўзбекистон Президентининг 2016 йилда лавозимга киришганидан сўнг ташриф буюрган биринчи Европа давлати бўлди.**

Давоми 2-бетда

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

Бошланиши 1-бетда

Шавкат Мирзиёев ўз мурожаатида бугунги кунда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган турли зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, турли замонавий таҳдидлар минтақалар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтиришни тақозо қилаётганини қайд этган.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган мазкур анжуман Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида мулоқотларни фаоллаштириш, ҳамкорликни амалий дастур ва лойиҳалар билан бойитиш, минтақалараро очиқ ва самарали алоқалар тизимини шакллантириш, кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли эканлиги таъкидланган.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, инклюзив “яшил ўсиш”га ўтиш, сувдан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бундан кейин ҳам кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади, деб ишонч билдирган Ўзбекистон етакчиси.

Конференциянинг очилиш маросимида, шунингдек, Европа Иттифоқи Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Европа инвестициялар банки вице-президенти Тереза Червинская, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Хельга Шмид ҳам сўзга чиқди.

— Европа ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи бир неча асрга бориб тақалади, — деди Европа Иттифоқи Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель. — Айниқса, қадимий Буюк ипак йўли бу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилган. Бугун ҳам Марказий Осиё давлатларининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлиги икки ва кўп томонлама ривожланиб бормоқда. Пандемиядан кейин дунё давлатлари олдида иқтисодий барқарорликни тиклаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экология масалалари энг долзарб вазифалар бўлиб қолди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бу масалалар ғоят муҳим ҳисобаланади. Биз бу борада уларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришга тайёрмиз. Иқтисодий тараққиёт учун кўпроқ инвестиция зарур ва бунга эришишда мамлакатда шаффофлик, очиқлик таъминланиши, мустаҳкам ва кафолатли қонунчилик зарур. Биз бу борадаги мақсад ва интилишларимизни бирлаштиришимиз керак.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним бугунги геосиёсий вазият нуқтаи назаридан Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари орасида савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун транспорт коммуникация тизимлари, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Бу борада давлат ташкилотлари билан чекланмай, хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозим. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларида фаолият кўрсатаётган ЕТТБ ваколатхоналари имкониятларидан тўғри фойдаланиб, инвестиция соҳасида кучларни бирлаштириш ва биргаликда ҳаракат қилиш фойдали бўлиши таъкидланди.

Анжуманнинг “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига нигоҳ” деб номланган ялпи йиғилишида асосий спикерлар — Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Айбек Молдогазиев ва Туркманистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Гажиев иштирок этди.

Европа Кенгашининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала бошқарган ялпи йиғилишда спикерлар Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида уч йўналиш — савдо-иқтисодий шериклик кўламини кенгайтириш, транспорт бўйича ўзаро боғлиқликни такомиллаштириш ҳамда рақамли инфратузилмани бугунги кун талабидан келиб чиқиб, замонавий технология ютуқларини кенг жорий этган ҳолда ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция дастурига кўра, белгиланган мавзулар бўйича алоҳида сессиялар кўринишида йиғилишлар давом этди. Мунозара, муҳокамаларга бой кечган сессияларда рақамлаштириш, сув ва энергетика, транспорт соҳаларида ўз давлатларида етакчи экспертлар, вазирлик, идоралар мутасаддилари айни йўналишлардаги муаммоли масалаларни Европа Иттифоқи ва бошқа ҳамкор халқаро молиявий тузилмалар кўмагида қўллаб-қувватлаши билан биргаликда ҳал этиш йўлларини кўриб чиқдилар.

Анжуман “Истиқбол ва кейинги қадамлар” деб номланган B2B форматидаги мулоқотлар, минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари ўртасидаги икки томонлама учрашувлар кўринишида давом этди.

Конференция якунида ялпи мажлис ва шўъба йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Конференция якунларига бағишлаб ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Европа Иттифоқи Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель тадбирлар юксак савияда, томонларнинг фаол иштирокида ўтганини таъкидлади. Муҳокама этилган масалалар ва эришилган келишувлар Европа Иттифоқи — Марказий Осиё муносабатларида янги сифат босқичини бошлаши, икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Биз Европа Иттифоқининг 2021 йил декабрь ойида эълон қилинган “Глобал дарвоза” ташаббусини олқишлаймиз, — деди Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норов. — Бу қўшма инвестицияларни, айниқса, инфратузилмани рағбатлантириш, иқтисодий ҳамкорлик учун яхши шароитлар яратиш, барча қитъалар бўйлаб товарлар, одамлар ва хизматларни кўчириш орқали глобал алоқа шериклигини ривожлантиришни назарда тутади.

Тадбирлар доирасида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё хусусий сектор вакилларининг тақдимотлари, учрашувлар ўтказилди.



**ЕВРОПА КЕНГАШИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИ ТЕРХИ ХАКАЛА БОШҚАРГАН ЯЛПИ ЙИҒИЛИШДА СПИКЕРЛАР ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДА УЧ ЙЎНАЛИШ — САВДО-ИҚТИСОДИЙ ШЕРИКЛИК КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ТРАНСПОРТ БЎЙИЧА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМАНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ЮТУҚЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТГАН ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТДИ.**

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# Ўзбекистон – Франция алоқаларининг янги босқичи

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ва Францияни тарихий дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради. Айни пайтда Франция архивларидан бирида Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га 1402 йилда йўллаган мактублари, Карл VI нинг Соҳибқирон номига ёзган мактуби сақланади. Ҳукмдорларнинг мактублари мазмунида ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатлари янги мазмун билан бойиб, жадал ривожланмоқда.

Жорий йил 1 март куни Тошкент ва Париж шаҳарларида Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқот мунтазам равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдаги ролини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон ва Франция парламентлараро алоқаларни ҳам фаол ривожлантирмоқда. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида Франция Сенати ва Миллий ассамблеяси билан “Ўзбекистон — Франция дўстлик гуруҳлари” тузилди.

Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 11-12 ноябрь кунлари V Париж тинчлик форумидаги иштироки доирасида Франция Сенати ҳамда Миллий ассамблеясида музокаралар ўтказди.

Франция Ўзбекистон билан иқтисодий, сармоявий, молиявий ва техник соҳалардаги ҳамкорликка муҳим аҳамият беради.

Ўзбекистонда 46 та корхона, шу жумладан, 17 таси 100 фоиз Франция капитали асосида фаолият юритмоқда. Компаниялар фаолиятининг асосий йўналишлари қурилиш ва туризм, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларни қамраб олган.

Айни пайтда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти Нуробод туманида “Total Eren” компанияси билан қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш, “Orano Mining” компанияси билан ҳамкорликда уран қазиб олинадиган истиқболли ҳудудларда геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда, Сирдарё вилоятида халқаро консорциум, жумладан, “EDF” компанияси билан қуввати 1600 МВт бўлган буғ-газ электр станцияси, “SUEZ” билан ҳамкорликда “Тошкент сув хўжалигини ўзгартириш режаси” ва “Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш” лойиҳалари ва бошқалар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизми — 2021 йил 10 май куни Тошкент шаҳрида 8-мажлиси бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия (ҲҲК) фаолияти диққатга сазовордир.

Ўзбекистон — Франция ишбилармонлар кенгаши доирасида Франциянинг “MEDEF International” тадбиркорлар ҳаракати билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳаракат таркибига Франциянинг “Airbus”, “Total Eren”, “Eiffage”, “Voltalia”, “EDF”, “Alstom”, “Orano”, “Suez” ва бошқа етакчи компаниялари киради. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида Парижда “MEDEF International” кўмагида бизнес-форум бўлиб ўтмоқда.

Давлатлар ўртасида ўзаро савдода энг қулай режим ўрнатилган. Даромадларга икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш, Даромад ва капиталга солиқ солишдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция амал қилади.

Ўзбекистон Франциянинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи савдо ҳамкорларидан биридир. 2021 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 280 миллион доллардан ошди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 232 миллион долларга етди. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Мамлакатларимиз ўртасидаги молиявий-техникавий ҳамкорлик Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) орқали мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунга қадар Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси Тошкент шаҳрида жойлашган ФТА билан биргаликда Ўзбекистонда умумий қиймати 350 миллион евро бўлган 3 та лойиҳа амалга оширилган ва жами 434,3 миллион евролик 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатлар маданий-гуманитар ҳамкорликнинг юксак даражаси билан ажралиб туради.

Франция фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудига кириши учун 30 кун муддатга визасиз режим ўрнатилди. Таниқли француз актёри Жерар Депардье Ўзбекистоннинг Франциядаги туризм элчиси этиб тайинланди.

Кейинги йиллар давомида икки томонлама алоқада таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 704 та мактаб, коллеж ва лицейда 170 мингдан ортиқ ўқувчи ҳамда 13 та олий ўқув юртида талабалар француз тилини ўрганмоқда. Француз тилини ўргатувчи француз оператори — Альянс Франсез Тошкентда фаолият юритади.

Сорбонна университети ҳузуридаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтида ўзбек тили курслари очилди.

2018–2022 йилларда туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, авиация, инклюзив таълим, бизнесни бошқариш, энергетика, сиёсатшунослик, авиация ва бошқа соҳаларда 30 дан ортиқ келишув ва меморандумлар имзоланган.

Хусусан, Тошкент давлат транспорт университети таркибида Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Фуқаро авиацияси учун учувчилар тайёрлаш мактаби очилди.

Давлат бошқаруви академияси ва Франция Давлат хизмати институти Ўзбекистон давлат тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик қилади.

Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Руэй-Мальмесон шаҳарлари, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ва Нормандия минтақасининг Флер шаҳри ўртасида биродарлашган шаҳарлар тўғрисидаги битим имзоланган.

2019 йилда Бухоро шаҳри билан биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Руэй-Мальмесон марказий “Дўстлик” истироҳат боғида буюк табиб Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилган “Ўзбек боғи” очилди.

Археология ва маданий меросни сақлаш соҳасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда. Франциянинг тўртта археологик миссияси Ўзбекистон археологлари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Қайд этиш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парижга расмий ташрифи доирасида жаҳонга машҳур Лувр музейи ва Араб дунёси институтида мамлакатимизнинг энг бой маданий-тарихий меросига оид ноёб кўргазмалар очилади. Бу французларга Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга бўлажак расмий ташрифи кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, уни янги босқичга кўтаришда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

**“Дунё” АА**

# МУҚАДДАСДИР ВАТАН БАЙРОҒИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” майдонида “Муқаддасдир Ватан байроғи” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ижодкор зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, педагоглар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар халқимизни буюк мақсадлар йўлида бирлаштириш, ёшларда миллий ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришда давлат рамзлари қабул қилинган кунларни байрам сифатида кенг нишонлаш ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, байроғи ва мадҳияси халқимиз, айниқса, ёшларда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, миллий ўзлигимизга чуқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу муқаддас тимсолларимиз мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғуларни ўзида мужассам этади.

Байрам тадбирида ҳарбий қисм аскарлари, курсантлар ва “Темурбеклар мактаблари” ўқувчилари иштирокида ватанпарварлик мавзусида саф қўшиқлари ҳамда ҳарбий жанг санъати намуналари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва бошқа ҳамкор вазирлик, идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳридаги марказий кўчаларда Давлат байроғини ўрнатган ҳолда “Ватанпарвар автокарвони” ташкил этилди. Отлиқлар сафи Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, шаҳар кўчалари бўйлаб юрди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан танловлар ўтказилган эди. Байрам муносабати билан ташкил этилган тадбирда “Муқаддасдир Ватан байроғи” ҳамда “Инсон қадри учун” туркумидаги видеороликлар танлови ғолиблари тантанали равишда тақдирланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда “Рангларда акс этган Ватан мадҳи” мавзусида расмлар ва “Ватан мадҳи янграр дилимда” онлайн интеллектуал танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан мамлакатимизнинг барча гўшаларида турли тадбирлар, анжуманлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

“Халқлар дўстлиги” майдонида халқимиз суйган санъаткорлар томонидан кенгайтирилган концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

САМАРҚАНД РУҲИ

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ТУШУНИШГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР

**Туркий давлатлар ташкилоти саммити таассуротлари ҳали тин олмасдан туриб, Самарқанд яна бир нуфузли тадбир — “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё” формати тадбирларига мезбонлик қилди.**



**Комил ҲАКИМОВ,**
**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**

Бугунги кунда Ўзбекистон ташаббуслари туфайли Марказий Осиё минтақадан ташқаридаги йирик давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар учун алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон ҳозирги таҳликали даврда Осиёни Европага боғловчи кўприкка айланди. Азим ва ҳамиша навқирон Самарқанд тинчлик ва тамаддун маркази деган тарихий мақомини қайта тиклади.

Яқинда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган эди. Мазкур форматдаги учрашув хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш глобал архитектурасида Марказий Осиёнинг алоҳида ўрни ва нуфузини яна бир бор кўрсатиб берди.

Бу нуфузли тадбирда сиёсий мулоқотни ривожлантириш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий шериклик ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Европа Иттифоқи ташқи сиёсатида минтақанинг устувор аҳамияти 2019 йилда қабул қилинган Марказий Осиё бўйича янги стратегиясида пайдо бўлди (Бу ЕИнинг иккинчи стратегияси бўлиб, биринчиси 2007 йилда қабул қилинган). Ҳужжатда Марказий Осиёнинг географик жойлашуви ҳамда Европа ва Осиёни боғлашдаги ўта муҳим роли, унинг улкан энергетик ресурслари, шунингдек, йирик бозор салоҳиятини (70 миллиондан зиёд аҳолиси) инобатга олган ҳолда, минтақанинг тобора ўсиб бораётган аҳамияти эътироф этилган.

“Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё” форматидаги учрашувлар постпандемия даври ва турли минтақавий можаролар инқирозларига ечим топиш, шунингдек, истиқболда янги ўсиш нуқталарини аниқлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли.

Хусусан, 2021 йилда ушбу форматда ташкил этилган иқтисодий форумда иштирокчилар Марказий Осиёда қўшимча иш ўринлари яратиш, минтақавий ва глобал қиймат занжирларига интеграциялаша оладиган ва хусусий сектор томонидан бошқариладиган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётларга айлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишиб олди.

Шунингдек, 2021 йил 22 ноябрда Душанбе шаҳрида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” шаклидаги 17-вазирлар учрашувида хавфсизликнинг умумий муаммолари, савдо, инвестиция, экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари, минтақалараро алоқаларни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон томони Афғонистонда гуманитар фалокатнинг олдини олиш, мамлакатни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон томони билан конструктив мулоқотни йўлга қўйиш бўйича тезкор ва ўзаро келишилган чора-тадбирларни амалга оширишни илгари сурди.

## Самарқанд — глобал тинчлик ва ҳамкорлик дарвозаси

Жорий йил 17-18 ноябрь кунлари Самарқандда “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” шаклида ташқи ишлар вазирлари учрашуви ва “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

Самарқандда минтақалараро характерга эга ҳар иккала тадбирнинг биргаликда ўтказилиши Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи учун стратегик аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Тарихдан маълумки, Европа тараққиётида унинг Марказий Осиё билан ҳамкорлиги жуда муҳим ўрин эгаллайди. Европа ва Осиё қадим Турон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли бўйлаб илму маърифат, таълим, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ орқали мулоқот қилган. Яъни Марказий Осиё ҳудуди азалдан Шарқ ва Ғарб цивилизацияси ва ҳамкорлигининг кўприги бўлиб келган.





Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида геосиёсий муаммолар кучайган ва давлатлар ўртасида ўзаро ишонч йўқолиб бораётган бир даврда Осиёни Европа билан боғлайдиган занжирлар узилиши бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига жиддий путур етказмоқда. Мазкур жараёнлардан дунёнинг бирор-бир давлати ўзини айро тасаввур эта олмайди.

Бундай вазиятда Европа ва Марказий Осиё ҳамкорлигининг асосий йўналишлари сифатида барқарор энергия таъминоти, экология, рақамли иқтисодиёт, транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш, ёшлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш каби мулоқот форматлари танлангани бежиз эмас. Шунингдек, ҳозирда Европа Иттифоқи глобал даражада яшил ва рақамли трансформация жараёнларининг асосий тарғиботчисига айланиб улгургани барчамизга маълум. Мазкур йўналишлар бўйича Марказий Осиё — Европа Иттифоқи халқаро молия, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини бирлаштиришнинг аниқ чоралари ва механизмларини белгилаш, истиқболдаги янги ўсиш нуқталарини аниқлашдан манфаатдор.

## Режалар аниқ, мақсадлар улуғвор ва халқчил

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёда яшаётган қарийб 2,5 миллион киши иқлим мигрантига айланиши мумкин. Бу жуда долзарб муаммо. Шу сабабли Марказий Осиёда сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгариши ва сув танқислигининг кескин оқибатлари ҳам ташқи ишлар вазирлари учрашувида муҳокама қилинди. Яъни яшил энергияга ўтиш учун паст углеродли энергия ишлаб чиқариш имкониятларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини сув ва чиқиндиларни бошқаришни яхшилаш бўйича Европанинг илғор тажрибасини жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Европа Иттифоқи барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун ҳолда, Марказий Осиёга турли йўналишлар бўйича 2014–2020 йилларда минтақа учун 1,1 миллиард евролик ёрдам кўрсатган. Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель фикрига кўра, Марказий Осиёга 2021–2024 йилларга мўлжалланган тахминий умумий грант маблағлари, икки томонлама ва минтақавий дастурларни қамраб олган ҳолда, камида 390 миллион еврони ташкил қилиши керак. Бу “Европа жамоаси” деб аталувчи иккита минтақавий ташаббусни ўз ичига олади: бири рақамли уланиш, иккинчиси Европа Иттифоқи Самарқандда расман ишга туширадиган сув, энергия ва иқлим бўйича лойиҳалар ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Европа Иттифоқи дунёдаги энг йирик сармоядор. Шу боис, Европа ишбилармонлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Европа хусусий секторининг сармоявий кучидан фойдаланиб, Марказий Осиёда дунё билан боғланган янги “яшил рақамли” иқтисодиётни қуриш бўйича аниқ чоралар белгиланиши ҳам кун тартибидаги масалалардан биридир.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд учрашувлари геосиёсий ва геоиқтисодий муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда беқиёс аҳамиятга эга. Мазкур формат Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатини ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим мулоқот платформаси ҳисобланади. Мамлакатимизнинг бундай платформаларда фаол иштирок этиши эса, шубҳасиз, халқимиз турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДА КЎПЛАБ МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

**Президентимиз ташаббуси билан қўр олган ислоҳотлар халқимиз ҳаётида янги саҳифалар очаётганини мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб ўтказилаётган оммавий қабуллар яна бир бор исботламоқда. Бу инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг негизи, пировард мақсадига айланиб бормоқда, деганидир. Муҳими, барча соҳа раҳбарларининг энг қуйи бўғинга — маҳаллаларга тушиб, халқ билан мулоқот қилаётгани тизимли муаммоларга самарали ечим бўлаётир.**

Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганидек, раҳбарлар қанчалик қуйи бўғинга тушиб ишласа, одамларни ўйлантираётган муаммоларни қанча кўп ўрганса, тизимли масалаларни аниқлаш ва ҳал қилиш самарадорлиги шунчалик ошади.

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳининг Қашқадарё вилоятидаги оммавий қабуллари ҳам буни яна бир карра исботлади. Бу галги оммавий қабуллар Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Навбаҳор маҳалласидан бошланди.

Президент Халқ қабулхонаси, Бош прокуратура, вазирликлар, қўмиталар ва республика ташкилотлари, вилоят секторлари масъуллари, асосан, Қарши шаҳри, Косон, Муборак ва Кўкдала туманларидан келган мурожаатчиларни ўйлантираётган масалаларга ечим излади.




Очиқ-жонли мулоқотлар давомида тадбиркорлик йўналишидаги қатор муаммолар ҳам жойида ҳал қилинди. Айтайлик, косонлик тадбиркор Алишер Омонов ташкил қилган чорвачилик мажмуасида минг бош қўй-эчки, 200 бош қорамол боқилиб, аҳолига арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Фаолиятини янада кенгайтириш ниятида Марказий банк масъулларига мурожаатидан сўнг тадбиркорга 1 миллиард сўм кредит ажратишга қарор қилинди.

— 23 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келаман, — дейди тадбиркор А.Омонов. — Шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ўз меҳнати билан мамлакатига, халқига нафи тегишини истайди. Жумладан, мен ҳам. Чорвачилик ортидан халқимизни сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминласам, янги иш ўринлари очсам, деган ҳаракатдаман. Бугун сайёр қабулга келиб, ана шу ниятим амалга ошадиган бўлиб турибди. Ажратилган маблағга, насиб бўлса, Қирғизистондан яна 600 бош қўй олиб келаман. Шу орқали ишимиз янада кенгаяди, элу юртга тегадиган фойдамиз салмоғи ҳам ортади. Қабуллар бизга катта имконият яратиб бераётганидан мамнунмиз.



Косон тумани Нартичуқур маҳалласида яшовчи Ғайрат Бўриевнинг 1994 йилдан буён тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган биносини кимдир сохта ҳужжатлар билан расмийлаштириб, сотиб юборишга уринаётганига оид шикоятини Бош прокуратура масъуллари ўз назоратига олди. Масала қонуний ўрганилиб, адолатли ҳал қилинадиган бўлди.

— Бу масаланинг ечими тадбиркорлик фаолиятимизни рағбатлантиради, — дейди Ғ.Бўриев. — Бизнинг муаммомизни биров эшитадими ёки қўл силтайдими, деган кайфиятда келгандик. Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова дардимизни эшитди, аризамизни олиб, масала ечимини шахсан ўзи назорат қилишини айтди. Илгари бир масалани кўтариб, вилоятга, ҳал бўлмаса, Тошкентга борардик. Энди масъуллар келиб, халқ дардини тинглаяпти, кўз ўнгимизда қанчадан-қанча муаммолар ечим топди.

Автомобиль йўллари қўмитаси масъуллари эса муборaклик ёш тадбиркор Сардор Эгамбердиевнинг тумандаги Хитой қишлоғидан ўтувчи катта йўл бўйида автобекат қуриб, хизмат кўрсатишни ташкил этишга оид лойиҳасини жойига чиқиб ўрганиб, қонуний ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Косонлик ташаббускор тикувчи Фарида Соҳибовага эса туманнинг Эсабой кишлоғидаги тикувчилик корхонасида хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиб, уларнинг бандлигини таъминлаши учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 10 та тикув машинаси олиб берилди.

Косонлик Асрор Элмуродовнинг Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларига мурожаатидан сўнг қарздор таниши 9 ойдан буён қайтариб бермаётган 20 миллион сўм маблағи олиб берилиши таъминланди.

Ғузорлик Нодира Худоёрованинг ўғли 2020 йилда электрон аукцион орқали сотиб олган ер майдонини бошқа бир шахс эгаллаб олганига оид шикоятини вилоят ҳокимлиги тезкор, батафсил ўрганиб, жойида ҳал қилиб берди.

Мулоқотлар давомида аввалги қабуллардаги мурожаатлар ижроси ҳам мониторинг қилинди. Дейлик, Косоннинг Тинчлик маҳалласида яшовчи Нурмамат Абдураимовнинг шу йил июнда деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун электрон аукцион орқали сотиб олган 25 сотих ерни ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ масаласи яқинда ҳал қилиб берилди. Улар бугун қабулга ариза ё шикоят қолдиришга эмас, мурожаатлари қонуний кўриб чиқилиб, ҳал қилингани учун раҳмат айтишга келди.

Бош прокуратура масъулларига мурожаатдан сўнг косонлик Истад Очилова ва онасининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муқим турар жойсиз оғир аҳволда қолган бу оилани бошпана билан таъминлаш бўйича вилоят 2-секторига аниқ муддатли топшириқ берилди.

Очиқ-жонли мулоқотларда йўллар таъмири, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотига оид қатор масалалар ҳам ҳал қилинди. Жумладан, Косоннинг Ўрта Оброн маҳалласида яшовчи Дилмурод Хушвақтов мурожаати бўйича маҳалладаги 1968 йилда қурилган ёғоч устунлар бетон устунларга алмаштириладиган, катта қувватли битта қўшимча трансформатор ҳам ўрнатиб бериладиган бўлди.

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти масъулларининг косонлик Санобар Мажидова мурожаати юзасидан Некўз маҳалласидаги ўрганишлари асосида мазкур ҳудуд аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш масаласини 2023 йилги дастурга киритишга қарор қилинди.

Қабуллар давомида меҳнат ва бандлик, таълим, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ қатор масалаларга ҳам ечим топилди.

Ишсиз 50 мурожаатчига эса ўз уйида ишлаб, даромад топиши учун пишириқ пишириш печлари, пойабзал тикиш, чарх ускуналари олиб берилди. Оғир ижтимоий аҳволдаги кўплаб инсонларга даволаниш учун бепул йўлланма, моддий ёрдам ажратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Республика ишчи гуруҳининг Косон туманидаги оммавий қабулида 431 мурожаатчининг 435 та масаласи кўриб чиқилиб, уларнинг 218 таси жойида ҳал қилинди, 51 мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, 166 та масала назоратга олинди.

Қашқадарё бўйлаб ўтаётган оммавий қабуллар бир ҳақиқатни такрор исботламоқда: жавобсиз савол, ечимсиз масаланинг ўзи йўқ. Буни оммавий қабулларга ўз муаммоси билан келиб, ечим билан кетаётган одамлар кўзидан, кайфиятидан сезиш қийин эмас. Муҳими, бу — давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг аввалида инсон қадри учун деган тамойил турганига яққол далилдир.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

НУҚТАИ НАЗАР

# ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ





**Жасурбек ОТАНИЁЗОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Сўнгги йиллардаги кенг кўламли ислоҳотлар самараси Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам ижобий ифодасини топмоқда. Хусусан, қўшни давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларнинг янги босқичга олиб чиқилгани, хорижий ҳамкорлар билан барча соҳаларда очиқлик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида юритилаётган ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеининг янада мустаҳкамланиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам йирик тадбирларда минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда глобал ташаббусларини илгари суриш вазифаси белгилаб қўйилган. Бу борада Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Ўзбекистон раислигини самарали ва фаол амалга ошириш назарда тутилган. Шунингдек, ҳамкор мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида турли даражадаги маслаҳатлашувлар ташкил этиш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилган ҳолда иқтисодий дипломатияни кучайтириш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан бирга, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида кўп томонлама дипломатия инструментларидан самарали фойдаланмоқда. БМТ, ШҲТ, МДҲ ва Туркий давлатлар ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган муҳим ташаббус ҳамда таклифлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг жорий йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган саммити ва Ўзбекистоннинг мазкур халқаро тузилмага раислиги юқоридаги фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанддаги йиғини ташкилотнинг илк саммити сифатида тарихда қолади. Бунгача ташкилот Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан фаолият юритгани боис, ушбу тадбирга қизиқиш ҳар доимгидан кўра юқори бўлди.

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг қўшни ҳамда ҳамкор давлатлар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатларини янада фаоллаштириш нафақат ҳозирги, балки истиқболдаги тараққиётда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Айнан шу ҳамкорликни фаоллаштиришда Туркий давлатлар ташкилоти муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини изчил рўёбга чиқариш, молия ва банк операцияларини соддалаштириш мақсадида савдо-сотиқ ва инвестиция учун қулай шарт-шароит яратишга, божхона ва транзит тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, аъзолик ташкилотга фаол ташаббускорлик руҳини олиб кирди.

Бугунги кунда Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар ҳисобланувчи ШҲТ ва МДҲ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари ҳисобланади. Бу омил, ўз навбатида, ташкилотни минтақадаги энг фаол ва самарали тузилма сифатида шакллантиришга имкон яратади.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлишининг дастлабки давридаёқ Президентимиз томонидан тузилма доирасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Давлатимиз раҳбарининг ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлган 30 дан ортиқ таклифи инобатга олиниб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2019 йил 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган саммитда Президентимиз ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида технопарклар, инновацион стартап компаниялар ва венчур фондлар ташкил этиш, шунингдек, қўшма инвестицион фонд ва туркий тилли давлатларда савдо уйларини очиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Саммит давомида мазкур ташаббуслар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига замонавий технологияларни кенг жалб қилиш бўйича ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида юксак қизиқиш билан қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти улкан хомашё захиралари, турли маҳсулотлар, янги инновацион ишланмалар, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик имкониятлар борасида юқори салоҳиятга эгадир. Ташкилот аъзолари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мамлакатимиз учун сезиларли даражада иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади.

Бугунги кунда ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий аҳолиси сони 170 миллион, яъни дунё аҳолисининг 2 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Ялпи ички маҳсулоти ҳажми эса 1,2 триллион доллардан ортиқ бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни экспорт қилиш учун истиқболли бозорлардан бири ҳисобланади.

Давлатимизнинг ташкилотга аъзолиги маданий алоқалар билан бирга савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ҳам янги даражага олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Жумладан, ўтган уч йил давомида ташкилот давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми барқарор суръатларда ошиб, мингдан ортиқ қўшма корхона ташкил қилинди.

Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасининг сезиларли қисми — 2021 йил якуни бўйича қарийб 20 фоизи айнан ташкилот таркибига кирувчи давлатлар ҳиссасига тўғри келади. 2021 йилда мамлакатимиз экспорти умумий ҳажмида Туркия 10,2 фоиз, Қозоғистон 7,1 фоиз, Қирғизистон 4,8 фоиз ва Озарбайжон 0,5 фоиз улушга эга бўлган. Умуман олганда, 2016 йилдагига нисбатан 2021 йилда Ўзбекистон ва Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми икки ярим баробардан ортиқроққа ошди.

Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти унга аъзо мамлакатларнинг




сармояларини жалб қилиш бўйича иқтисодий ҳамкорликка йўналтирилган ўзига хос тузилмага айланди.

Туркий тилли давлатлар ишбилармонлар кенгашининг 2019 йил 5 октябрда Тошкентда ўтказилган йиғилиши ҳамда инвестиция форумида 300 нафарга яқин вакил иштирок этди. Мазкур тадбирларни ўтказиш ташаббуси 2018 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. Анжуманда билдирилган ташаббуслар ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун устувор йўналишларни белгилаб берди. Хусусан, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро савдо, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берилишига келишилди.

Иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги қўшма лойиҳаларни жорий этиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва бошқа муҳим чораларни амалга оширишда "Турк дунёси нигоҳи — 2040" стратегик ҳужжати муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат иқтисодий соҳада аъзо мамлакатлар ўртасида савдо муносабатларини кенгайтириш ва унинг ҳажмини ошириш, аъзо давлатларни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб савдо йўлларини боғловчи кучли иқтисодий гуруҳга айлантириш, шунингдек, рақамли технологияларни жорий этиш каби мақсадларни қамраб олган.

Ташкилот доирасида муваффақиятли ҳамкорликни таъминлаш учун транспорт йўлаклари ва халқаро юк ўтказиш орқали транзит салоҳиятини ривожлантиришнинг катта имконият ва ресурслари мавжуд.

Мазкур йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришда транспорт инфратузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, халқаро транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш, самарали транспорт логистикаси инфратузилмасини шакллантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки аъзо давлатларнинг барчаси транспорт соҳасида ўзига хос транзит салоҳиятига эга мамлакатлар ҳисобланади. Ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро юкларни ташишда транзит ва транспорт коридори сифатидаги салоҳиятини янада ошириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ва янги бозорларга чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш Ўзбекистонга Европа бозорларига чиқиш учун шароит яратади. Бунда Боку — Тбилиси — Карс (БТК) темир йўли орқали боғланган транспорт коридори имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Ўзбекистоннинг ушбу лойиҳага қўшилиши Европа мамлакатларига транзит юкларни етказиш бўйича олиб борилаётган ишларни фаоллаштиради. Яна бир муҳим жиҳати, Осиё ва Европани боғловчи Мармара туннелига чиқишга имкон беради. Ушбу йўналиш орқали йилига 3 миллионга яқин йўловчи ҳамда 17 миллион тоннадан ортиқ юк ташишга шароит яратилади.

Шунингдек, келгусида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши ташкилотга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти учун муҳим. Мазкур лойиҳа иккинчи континентал транспорт кўпригининг жанубий йўлагини яратиш билан бирга, уч мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг янги бозорларга чиқишига қулай шароит яратади. Чунки йўл қурилиши Марказий Осиё мамлакатлари транспорт инфратузилмасини ривожлантириш билан бир пайтда уларнинг Форс кўрфази ва Тинч океани портларига чиқишини таъминлайди,

> **ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ УЛКАН ХОМАШЁ ЗАХИРАЛАРИ, ТУРЛИ МАҲСУЛОТЛАР, ЯНГИ ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР, МАЛАКАЛИ ИШЧИ КУЧИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ, ТЕХНОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАР БОРАСИДА ЮҚОРИ САЛОҲИЯТГА ЭГАДИР. ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗ УЧУН СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАДИ.**

мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириб, савдо географиясини янада кенгайтиради.

Мана шундай имкониятлардан келиб чиқиб, Самарқанд саммитида ташкилотга аъзо мамлакатлар доирасида транспорт логистикаси инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақадаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифлар жорий этиш ва замонавий транспорт инфратузилмасини яратиш мақсадида саммит доирасида транспорт ҳамкорлиги соҳасида жуда муҳим ҳужжатлар — Аралаш транспорт воситаларида юк ташиш тўғрисидаги битим ва Транспорт соҳасидаги боғлиқлик дастури имзоланди.

Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари ўртасидаги чегараларда божхона ва чегара тартибларини соддалаштириш бизнес харажатларини камайтириш, мамлакатлараро савдо ва транзит ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо барча мамлакатлар билан алоқаларни стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиққани ўзаро муносабатларнинг янада ривожланиши учун барча асослар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, аъзо давлатларнинг географик жиҳатдан яқинлигини инобатга олиб, истиқболли лойиҳаларга инвестициялар киритиш, савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмак берувчи механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг самарали воситаларини яратиш лозим. Шу боис, сўнгги йилларда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига ташкилотга аъзо мамлакатлардан 2,5 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган, мазкур даврда инвестицияларнинг ўсиши 30 фоизни ташкил этган.

Самарқанд саммитида ташкилотга аъзо давлатлар инвестициявий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, қўшма инвестиция фондини таъсис этиш бўйича келишувга эришилди. Мазкур фонд аъзо мамлакатлар ўртасидаги инвестицивий ҳамкорликнинг янада фаоллашиши ҳамда ўзаро ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш асосида кўп қиррали муносабатларнинг ривожланишига қулай замин яратади.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Самарқанд саммитида тарихий аҳамиятга эга бўлган 10 дан ортиқ ҳужжат — битим, декларация, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар истиқболда минтақалараро савдо ва инвестиция, транспорт логистикаси, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва шу каби бошқа соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар савдо-иқтисодий муносабатларини янада фаоллаштириш, шу мақсадда божхона коридорлари ва савдо тартибини соддалаштириш масаласи ҳам саммит кун тартибидаги асосий мавзулардан бири бўлди. Савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида "Янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди"ни барпо этиш ташаббуси илгари сурилди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда аъзо мамлакатлар савдо-иқтисодий салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида савдо ҳажмини кескин ошириш ва учинчи мамлакатлар бозорига биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат узлуксиз занжирларини яратиш, юқори технологик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунё етакчи бизнес вакилларини кенг жалб қилган ҳолда, ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказиш белгиланди.

Бугунги кунга келиб озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш барча давлатлар учун кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди. Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасига инновациялар, замонавий билим ва илғор технологияларни жадал олиб кириш юқори ҳосилдорликка эришиш, пировардида, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд саммитида бу борада ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, давлатимиз раҳбари глобал ва ички бозорлар эҳтиёжлари, давлатларнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича ташкилот доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш, Туркий давлатлар ташкилоти ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида кенг қамровли шериклик ўрнатиш, Туркий агрофорумни мунтазам ўтказиб бориш ҳамда унинг иккинчи анжуманида "смарт" қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасини ташкил этишни таклиф этди. Эътиборли жиҳати, ҳаётий долзарб аҳамиятга эга ушбу ташаббуслар ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ташкилот доирасидаги бу каби фаол ҳамкорлик алоқалари ўзаро савдо, инвестиция, "яшил" иқтисодиёт, транспорт, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

# ХАЛҚ КОРИГА КАМАРБАСТА

**Фарзандларини боғча ва мактабга кузатиб, уй юмушлари билан андармон бўлаётган Наргизанинг хаёлини эшик қўнғироғи бўлди. Дарвозани очиб, меҳмонларни ичкарига чорлади.**

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси бошчилигидаги фаоллар бу ерга бежиз келмаган эди. Оила ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсизлар рўйхатида туради. Бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг оила бекасига Риштон туманидаги 1-сон касб-ҳунар мактабида тикувчилик йўналишида ўқиш учун йўлланма берилди. Қисқа муддатли курсларда касбга ўқиганлик тўғрисида сертификат олган Наргизага тикув машинаси олиш учун 6 миллион сўм субсидия ажратилди. Энди у ишсизлар рўйхатида турмайди. Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, тикувчилик йўналишида тадбиркорликни йўлга қўйди.

Риштон туманидаги Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Шуҳратжон Зокировнинг кундалик иш фаолиятида бу каби мисоллар кўп. Ташкилотчилик қобилияти, билим ва тажрибаси билан маҳалладошлари ҳурматини қозонган Шуҳратжон масъулиятли вазифага тайинлангунга қадар Фарғона вилояти статистика бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келган. Шу боис, ҳамма нарсани аниқ ҳисоб-китоб ва режали тартибда олиб боришга ҳаракат қилади.

— Маҳалламиздаги 323 хонадонда 456 оила бор, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Ишни оилаларни ўрганиш, ютуқ ва муаммоларни таҳлил қилиш, биринчи, иккинчи ва учинчи тоифаларга кирувчи хонадонларнинг даромадини ошириш бўйича йиллик "йўл харитаси" ишлаб чиқишдан



бошлаганман. Шу кунга қадар 71 нафар фуқаро бандлиги таъминланди, ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган 24 нафар ишсизга имтиёзли кредит ажратиб, 35 нафари касбга ўқитилди. Ҳунармандлик фаолиятини ривожлантириш истагида бўлган тадбиркорларга 781 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Маҳалланинг ихтисослашуви кулоллик ва чорвачиликдан иборат. Бу ерда оддий лойдан нафис буюмлар тайёрлаш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиб бераётган тадбиркорлар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Ҳоким ёрдамчиси маҳаллада тадбиркорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш орқали ўзини ва бошқаларни банд қилиш, ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу кунга қадар кулоллик йўналишида "Мингбоши керамика", "Моҳидиёр Рошидон", "ММ Porceline" оилавий кооперациялари ташкил этилди. Натижада маҳалладаги 200 дан ортиқ хонадон эгалари ярим тайёр чинни ва сопол буюмларга гул солиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда кооперация билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Кулоллик отамерос касб, — дея суҳбатга қўшилди ҳунарманд Шерали Аҳмедов. — Лекин оилавий бизнесимизни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағ масаласида муаммолар бор эди. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси билан суҳбатда бу борада амалий ёрдам беришни сўрадим. Қисқа фурсатда 25 миллион сўм имтиёзли кредит беришди. Янги ускуна ва хомашё сотиб олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Айни кунда оила аъзоларимиздан ташқари яна икки маҳалладошимизни ишга қабул қилдик.

Маълумот ўрнида, битта ишчи бир кунда ўрта ҳисобда 800 дона идишга безак беради. Бу бир ойда 2 миллион 400 минг сўм даромад дегани.

Муҳими, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, дастурхон тўкинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар маҳалладаги ҳар бир оилада бўй кўрсатмоқда.

— Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 14 сотих ер ўн йилга ижара асосида фойдаланиш учун ажратиб берилди, — дейди Рошидоний кўчасида яшовчи Ҳамдамбой Раҳимов. — Бу жуда катта имконият. Ерга мош экиб, яхши ҳосил олдик. Бир килограмм мошнинг нархи 15 минг сўм. Бу ўн миллион сўмдан ортиқ соф фойда олиш имкониятини берди. Пояси чорвамиз учун тўйимли озуқа. Ҳозир ғалла парваришлаяпмиз. Ғалладан сўнг дуккакли экин экамиз. Экин майдонлари узоқ муддатга берилгани айни муддао. Шу боис, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратяпмиз.

Ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан жорий йилнинг ўзида 22 янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, 2 иссиқхона қурилди, 8 нафар фуқаро чорвачилик тармоғига асос солди.

— Ҳамкорликда ҳикмат кўп, деганлари рост экан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Йўлдошев. — Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилгани аҳоли билан ишлашда "хонадонбай" ва "маҳаллабай" тизимини янги босқичга олиб чиқди. Ҳар бир масалага ҳамжиҳатликда ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни



қўллаб-қувватлаш билан бирга, кундалик ҳаёт тарзи учун зарур шарт-шароит яратиш ҳам асосий масалалардан. Йил бошидан буён маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Дукчиён ва Рошидоний кўчаларига асфальт ётқизилди, 20 дан ортиқ тунги чироқ ўрнатилди. Айни пайтда, Дукчиён кўчасининг бир қисмига сув тортиш, Алишер Навоий ва Рошидоний кўчаларига янги электр тақсимлагич ўрнатиш, шағал ва асфальтлаш каби масалаларга ечим топиш борасида иш олиб боряпмиз.

Маҳаллалардаги ишсизликни камайтириш, тадбиркорлик, томорқачилик, чорвачилик соҳаларини ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳудудларда тўпланиб қолган муаммоларга ечим топиш, иқтисодий ривожланишни йўлга қўйиш орқали халқимиз розилигига эришиш мумкин. Бу ишларда ҳоким ёрдамчилари ташаббускорлиги ва албатта, мутасаддиларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



**Андижон шаҳридаги 5-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Замира Шаҳобова тикувчиликни ўрганиб, кўпнинг эътиборига тушди. У тайёрлаган либослар ўзига хос кўриниши, услуби билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас. Замира ўқув машғулотларидан бўш вақтларида малакали мутахассислар кўмагида ўзи қизиққан йўналишда касб-ҳунар ўрганиб, билим ва маҳоратини ошириб келяпти.**

# Андижон тажрибаси:

# ҲАМ БИЛИМ ОЛАДИ, ҲАМ ҲУНАР ЎРГАНАДИ

— Мактабимизда ўтказилган сўровномада тикувчиликка қизиқишим борлигини билдирдим. Айни пайтда “Dinar textile” корхонасида ҳунар ўрганяпман, — дейди Замира. — Бу ерда назарий ва амалий иш жараёнлари ўзаро уйғунлиги касбга қизиқишимни оширди. Мана икки йилдирки, устозлар кўмагида тикувчиликда етарли кўникмалар олишга ҳаракат қиляпман. Умумтаълим мактабини тамомлаб, Андижон давлат педагогика институтига ўқишга киришни мақсад қилганман. Шу боис, она тили ва адабиёт, тарих ва биология фанларини чуқур ўрганяпман.

Андижонда ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга қизиқишини ошириш билан бирга, ўзлари қизиққан касб-ҳунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда ҳудуддаги умумтаълим мактабларида еттинчи синфдан бошлаб сўровномалар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Унда касб-ҳунарга ёки тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшлар малакали устоз ва мураббийларга бириктирилмоқда. Уларга молиявий ташкилотлардан айланма маблағлар ажратилишига яқиндан кўмаклашиляпти.

Андижон шаҳридаги 30-умумтаълим мактабида таҳсил олаётган Аҳмадилло Абдуманнопов сартарошликка қизиқади. Дарсдан бўш вақтларида касб ўрганмоқда. Мақсадлари бир олам. Маҳалласида маиший хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи. Бу ерда нафақат ўзи, балки бошқа тенгқўрларига ҳам касб сирларини ўргатади.

Андижон шаҳрида 4 минг нафардан ортиқ битирувчининг деярли ярми касб-ҳунарга йўналтирилган бўлса, қолганлари ҳоким академияси тингловчиларига айланган.

## Ҳоким академияси

Андижон шаҳридаги “Digital city” технологик парки ҳузурида ҳоким академияси ташкил этилди. Бу ерда малакали профессор ва ўқитувчиларнинг видеодарслари платформага жойлаб борилади.

HOKIM AKADEMIYASI

Умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактаблари, коллеж, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиш истагида бўлган ёшлар учун иш бошлаган янги платформа бу борада янги имконият эшикларини очди. Энди ота-оналар репетитор ёллаб ёки қўшимча дарсларга жўнатиб, фарзандларига ортиқча маблағ сарфлашига ҳожат қолмади. Бу ерда билим олиш мутлақо бепул. Ҳозирга қадар 20 минг 283 ёш мазкур платформадан фойдаланмоқда.

— Макон ва замон тамойили асосида хизмат кўрсатувчи онлайн платформа ёрдамида олий таълим олиш истагида бўлган абитуриентлар, ихтисослашган мактабларда ўқишни хоҳловчилар имтиҳонларга тайёрланиш, хорижий тилларни ўрганиб, сертификат олиш, ўқитувчилар эса малака ошириш имкониятига эга, — дейди вилоят ҳокимлиги котибият мудири Элёрбек Холмирзаев. — Бугун бу ерда 6868 нафар абитуриент, 7 минг нафардан ортиқ ўқувчи ихтисослаштирилган мактабларга кириш учун тайёргарлик кўряпти. 2508 нафар ёш хорижий тилларни ўрганмоқда. 4 мингга яқин педагог малака оширяпти. Ҳоким академиясининг бошқа ўқув муассасаларидан фарқли жиҳати — ҳар бир машғулот видео тарзда тингловчиларга етказиб берилади, уни қайта ўқиб-ўрганиш, такрорлаб туриш имконияти бор. Тингловчилар исталган жойда платформадан фойдалана олади.

Бу икки тизим ёшларни олий таълимга тайёрлаш билан бирга, касб-ҳунар эгаллашида муҳим омил бўлмоқда. Абитуриент олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан ўта олмаган тақдирда ҳам мактабда ўрганган ҳунари орқали жамиятнинг фаол аъзосига айланади.



## Назарий билим амалиётда мустаҳкамланмоқда

Вилоятдаги 67 профессионал таълим муассасасида 30 мингдан ортиқ ўқувчи касб-ҳунар ўрганмоқда. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш билан бирга, уларни кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан. Шу мақсадда касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникум битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Улар иш берувчи 249 йирик корхона ва ташкилот билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Асака туманидаги “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамияти — мамлакатимиздаги йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи корхона. Айни кунда тумандаги 4 та касб-ҳунар мактаби ўқувчилари амалиётни шу масканда ўтамоқда. Эрталаб ишлаб чиқариш жараёнида амалиёт ўтаётган ёшлар тушдан сўнг назарий билим олиш учун касб-ҳунар мактабига боради. 2021–2022 ўқув йилида таълим муассасаларида етарли малака олган 254 ёш замонавий корхона ишчиларига айланди. Улар икки йил давомида малакали мутахассислар кўмагида замонавий техникани бошқариш сир-асрорларини ўрганди. Назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлади.

— Асака туманидаги техникумда автомобилсозлик ва йўлларни таъмирлаш йўналишида таҳсил оламан, — дейди Исломбек Абурасулов. — Ўқув-амалий машғулотларини автомобиль заводида ўтаяпмиз. Бу ерда назарий билимларни амалиёт билан уйғун олиб бориш, малака ва маҳорат ошириш билан боғлиқ барча шароитлар яратилган. Яна бир муҳим жиҳати, амалий машғулотларда бажарган иш ҳажмига қараб ойлик маош берилмоқда.

“Dinar textile” корхонасида 120 нафардан ортиқ ёш назарий ва амалий билим олмоқда. Корхонада ишчилар учун алоҳида тажриба-синов участкалари фаолияти йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш корхонасига келиб-кетишлари учун транспортлар ажратилди.

## Шифокор талабалар

Назарий билимлар амалиёт билан уйғун ўргатиладиган дуал таълим тизими олий таълим йўналишида таҳсил олаётган талаба-ёшлар фаолиятида ҳам жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Андижон давлат тиббиёт институтининг 249 нафар талабаси аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, намунали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланган. Шифокор талабалар эрталаб соат 08:00 дан 14:00 га қадар оилавий поликлиникаларда амалий иш жараёнида иштирок этганидан сўнг институтда назарий билим олмоқда. Бу самарали усул битирувчилар кўникмаларини шакллантириш ва бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Ўтган ўқув йилини тамомлаган талабаларнинг 800 нафардан ортиғи айнан ўзлари амалиёт ўтаган тиббиёт муссасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Андижон давлат педагогика институтида 22 бакалавриат ва 11 магистратура таълим йўналишида 6 мингга яқин ёш таҳсил олмоқда. Олийгоҳда педагогика йўналишида назарий билимлардан ташқари касб-ҳунарга ўргатиш тизими ҳам жорий этилди. Институт ётоқхонасида тикувчилик цехи ташкил қилинди. Ётоқхонадаги талаба қизлар бўш вақтларида ишлаб, даромад топяпти.

— Ўзбек тили ва адабиёти факультети иккинчи босқич талабасиман, — дейди сурхондарёлик Сабина Тўхтақулова. — Тўлов-шартнома асосида ўқийман. Ётоқхонамизда тикувчилик цехи ташкил этилгани мен каби талабалар учун айни муддао бўлди. Энди ўқув машғулотларидан бўш вақтларимизда ишлаб, пул топяпмиз. Тикувчилик қизларга мос ҳунар бўлгани боис, келгуси фаолиятимда ҳам қўл келишига ишонаман.

Бундай истиқболли лойиҳа Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг учинчи ва тўртинчи босқич талабалари учун ҳам жорий қилган. Айни кунда минг нафардан ортиқ талаба-ёш малакавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Сирасини айтганда, ёшларни ўқитиш билан бирга, бандлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Бу ислоҳотлар юрт ёшларини бир мақсад йўлида бирлаштирмоқда, янги ташаббусларга қанот бўлмоқда.



**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# ҚАМРОВДАН ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГАЧА

## олий таълим муассасалари ҳам халқчиллашяпти

**Мамлакатимизда таълимнинг барча босқичларини, хусусан, халқ таълимини тизимли ислоҳ қилиш ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг муҳим шартидир. Бу эса, ўз навбатида, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашни талаб этади. Ўқитиш соҳасидаги янгиланишлар жараёнида чет тилларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилгани ёшларимизнинг ўқув ва илмий фаолиятини хориждаги нуфузли олий таълим ва тадқиқот муассасаларида давом эттиришига хизмат қилади.**



**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор**

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, институтимизга қабул квотаси икки, давлат гранти асосида қабул эса уч баробар оширилди. Чекка ва олис ҳудудлардаги ёшларни ҳам олий таълимга қамраб олиш мақсадида ўтган ўқув йилидан бошлаб Пайариқ ва Нарпай туманларида институтимизнинг хорижий тиллар факультетлари очилди. Уларнинг ҳар бирига 75 тадан қабул квотаси ажратилди.

Бундан ташқари, ўтган ўқув йилида бир неча янги таълим йўналишлари ҳам ташкил этилди. Жумладан, бакалавриатнинг кечки таълим шаклида инглиз, немис, француз тили каби йўналишлар очилган бўлса, магистратура мутахассисликлари учун адабиётшунослик: инглиз тили, лингвистика: япон тили, лингвистика: араб тили ҳамда бадиий таржима каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, қўшма таълим дастурлари доирасида Россия Федерациясининг Белгород давлат миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликда филология ва тилларни ўқитиш: рус тили қўшма таълим йўналиши фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда институтимиздаги факультетлар сони 4 тадан 8 тага, кафедралар эса 20 тадан 24 тага етказилди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб институтимизда қўшимча янги таълим йўналишлари ташкил этилди. Жумладан, бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида ўзбек тили ва адабиёти ҳамда компьютер лингвистикаси, кечки таълим шаклида филология ва тилларни ўқитиш: испан тили, филология ва тилларни ўқитиш: корейс тили, филология ва тилларни ўқитиш: япон тили каби йўналишлар очилди. Қўшма таълим дастурларига келсак, бу йилда бакалавриат босқичида Туркиянинг Меҳмет Акиф Эрсой университети билан ҳамкорликда турк тилини, Испаниянинг Кастилла-Ла Манча университети билан ҳамкорликда эса испан тилини ўқитиш бўйича қўшма таълим дастурларини ташкил этишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, талабаларни иш билан таъминлаш ҳамда уларга имконият ва қулайликлар яратиш, қўшимча иш ўринларини очиш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Талабаларимизнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида Германиядаги “The Simson Private Academy” ва “Globalconsult” бандлик фирмалари билан биргаликда немис тили бўйича камида B1 халқаро тил билиш даражасига эга битирувчиларни, биринчи навбатда, амалиётга йўллаш, ундан сўнг иш билан таъминлаш борасида келишувга эришганмиз.

Германиянинг “The Simson Private Academy” агентлиги раҳбарияти, Тюрингия вилояти малакали ишчиларни ёллаш агентлиги ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда битирувчиларни касбга қайта тайёрлаш марказини ташкил этишга келишилди ва бу борада ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланган. Ҳамкорлик мақсадига кўра, немис тили бўйича B1 даражага эга бўлган битирувчилар Германиянинг нуфузли фирмаларида турли соҳалар бўйича дастлаб 6 ой давомида стажировка ўтайди. Дуал таълим сифатида битирувчилар касб ўрганиш билан бирга, немис тилини ҳам пухта эгаллайди.

Умумтаълим муассасалари билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Институтимизга вилоятдаги юздан зиёд мактаб бириктирилган. Уларга тажрибали раҳбар-ходим ва профессор-ўқитувчилар масъул этиб белгиланган. Ўқув-методик ёрдам бериш билан бирга, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда институт ҳисобидан 60 миллион сўмдан зиёд маблағ шу мақсадда сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб 10 та олий таълим муассасасига, хусусан, Самарқанд давлат чет тиллар институтига ҳам молиявий мустақиллик берилган эди. Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, бундай олийгоҳлар сони 35 тага етказилди.

Ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтганимиз боис, охирги икки йилда талабалар мунтазам моддий рағбатлантирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилди. Жумладан, ўтган ўқув йилида 3 нафар талабамизнинг шартнома пулини тўлаш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди ва институт ҳисобидан шартнома суммаси ўтказиб берилди.

Иқтидорли, етим, чин етим, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бўлган талабаларнинг “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” рўйхати шакллантирилди. Натижада 67 нафар шу тоифага мансуб талабанинг контракт пули тўлаб берилди, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Бу борада тегишли



ҳокимликлар ҳам яқиндан кўмак бермоқда. Жумладан, ўтган ўқув йилида ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба қизлар рўйхати шакллантирилиб, яшаш жойларидаги ҳокимликларга юборилди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги 11 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба қизнинг умумий ҳисобда қарийб 80 миллион сўмлик тўлов-контракти учун маблағ ажратди. Институтимиз томонидан эса 39 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба қизнинг ўқиши учун 273 миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди. Бундан ташқари, аъло баҳоларга ўқиётган 119 нафар талабамизга қарийб 200 миллион сўм миқдорида моддий рағбат, иқтидорли, фаол ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 125 нафар талабага 130 миллион сўмлик моддий ёрдам тақдим этилди. Жами 348 нафар талабага қарийб ярим миллиард сўм моддий ёрдам сифатида сарфланди.

Мазкур ўқув йилида институтимиз академик лицейи ўқувчилари орасида танлов эълон қилиниб, энг иқтидорлилардан 35 нафари ички стипендияларга тавсия этилди. Уларга ҳам бир марталик ва олти ойлик стипендия пули берилди. Ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаган ва олий таълим муассасаларига кириш борасида 70 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқитувчиларнинг 10 нафарига институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 30 фоизгача ойлик устама белгиланди.

Бугун ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук шахслар бўлиб улғайиши учун замонавий, қулай, илғор ва инновацион шарт-шароитлар яратилган. Биргина олий таълим муассасамиз мисолида давлатимиз қаратаётган эътибор нечоғлик салмоқли экани хусусида сўз юритдик. Бу имконият ва шарт-шароит ёшларимизни маънавий юксалишга, ҳар дақиқанинг қадрига етишга, ундан ҳикмат излаб яшашга даъват этади.

**МОЗИЙГА НАЗАР**

**Ўзбекистон том маънода қадимий шаҳарлар мамлакати. Қарийб уч минг йил давомида ҳозирги мамлакатимиз жойлашган ҳудудда турли даврларда икки юздан ортиқ шаҳарлар барпо бўлган. Бу қадимий шаҳарлар қолдиқлари бугунги кунларгача Самарқанд воҳасидаги Афросиёб, Кофирқалъа, Робинжонтепа, Добусқалъа, Соғиштепа, Челак қўрғон, Бухородаги Варахша, Пойкент, Ромитан қўрғон, Вардонзе, Қашқадарё воҳасидаги Подаётоқтепа, Қаландартепа, Олтинтепа, Шуллуктепа, Ерқўрғон, Сурхон воҳасидаги Эски Термиз, Будрач, Кампиртепа, Тошкент воҳасидаги Мингўрик, Шоштепа, Қонқа, Фарғона водийсидаги Ахсикент, Мингтепа, Қува, Амударёнинг қуйи қисми — Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларидаги Аёзқалъа, Миздаҳкан, Арғашқонқалъа, Тупроққалъа, Катқалъа, Катта Гулдурсин ва ҳоказо номлардаги йирик археологик ёдгорликлар кўринишида етиб келган.**

# Буюк ўлканинг кўҳна жавоҳири

## ёхуд ўттиз бир асрлик шаҳар тарихига чизгилар

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРГАН АКАДЕМИК ГАЛИНА ПУГАЧЕНКОВА ЎЗ АСАРЛАРИДА БУ ҲУДУДЛАРНИ “ҚАДИМИЙ СУҒД ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ АЗАЛИЙ ВАТАНИ” ДЕБ АТАГАНДИ. ЧУНКИ БУ ҲУДУДДА 3100 ЙИЛ АВВАЛ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ МАРТА ТЎЛАҚОНЛИ ШОҲ ШАҲРИ ПАЙДО БЎЛГАН.**



**Абдусобир РАИМҚУЛОВ, Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори**

Бундай йирик ва нодир ёдгорликлар мамлакатимиз ҳудудида ўнлаб эмас, балки юзлаб учрайди. Илмий тилда айтганда, бу обидалар Ўзбекистон ҳудудида шаҳарсозлик маданияти жуда қадимдан гуллаб-яшнаганини кўрсатувчи далиллар ҳамдир. Мана шундай ёдгорликлар, хусусан, Афросиёб Самарқанд шаҳрининг ёши 2750 йил эканлигини, Подаётоқтепа ва Узунқир Кеш-Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Ерқўрғон ва Шуллуктепа эса Қарши шаҳрининг 2700 ёшда эканлигини исботлайди.

### Археологларнинг яна бир ноёб кашфиёти

Ўзбекистонда қадимий қишлоқларнинг илк шаҳарларга айлана бошлаши, яъни урбанизация жараёни бронза даври — бундан уч ярим минг йил муқаддам қадимги Бақтрия ҳудудида бошланган. Улардан бири Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудидаги Жарқўтонда илк шаҳарнинг кўплаб элементлари пайдо бўлганлиги боис, бу ёдгорлик шаҳармонанд қишлоқ сифатида талқин қилинади. Лекин бу ёдгорлик ўрнидаги шаҳар юз йилдан ортиқроқ ҳаёт кечирган ва ўша даврда бузилиб кетгани сабабли уни ҳозирги бирор шаҳар билан боғлаб бўлмайди. Олимлар Жарқўтон фаолиятини шаҳарсозлик маданиятининг биринчи босқичи сифатида талқин қилади. Милоддан аввалги XV–XIV асрларда Жарқўтон вайронага айланганидан кейин бир неча аср давомида бу ҳудудда бошқа шаҳар шаклланмади.

Шаҳарсозлик маданиятининг иккинчи босқичи Зарафшон воҳасида — Суғдда вужудга келди. Унинг қолдиқлари Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Шаммат ва Чандир қишлоқлари оралиғида жойлашган Кўктепа ёдгорлиги кўринишида айни кунгача етиб келган. Археологик маълумотларга кўра, бу қадимий шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, ички шаҳрининг майдони 23 гектар бўлган ва у маҳобатли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ички шаҳар атрофини тўлиқ ташқи шаҳар қамраб олган ва ёдгорликнинг умумий майдони 100 гектар атрофида. Ҳозирда Кўктепанинг фақатгина ички шаҳри қолдиқлари сақланган бўлиб, ундан 400-450 метр шимоли-ғарбда ташқи шаҳарни ўраб турган мудофаа деворининг 580 метр узунликдаги қисми мавжуд.

Кўктепа шаҳар қолдиқлари сифатида археологларга узоқ йиллар давомида маълум бўлса-да, унинг жуда ҳам қадимий ёдгорлик эканлиги бир тасодиф туфайли юзага чиққан. Кўктепада 1980 йилларда археолог олим М.Исомиддинов раҳбарлигида олиб борилган қидирув ишларида, хусусан, нураган жойларини тозалаш пайтида ёдгорликнинг ички ва ташқи мудофаа деворлари гувалаксимон ғиштлардан қурилгани маълум бўлган. Ҳисоботларда Зарафшон воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар даврида бу каби ғиштлар илк бора учрагани, улар қайси даврга оидлиги ҳозирча номаълум эканлиги қайд этилган.

1990 йилдан бошлаб Ўзбекистонда дастлабки халқаро Ўзбекистон — Франция археологик экспедицияси Афросиёбда иш бошлади. Иш жараёнида унинг аъзолари 1960 йилларнинг охирида топилган, Самарқанднинг 2500 йиллик юбилейига асос қилиб олинган шаҳар мудофаа деворларини қайта ўрганиб, уларнинг тагида шаҳарнинг яна ҳам қадимийроқ деворлари борлиги аниқланди. Бу деворлар Самарқанднинг ёши икки ярим минг йилдан ортиқ эканлигини тасдиқлайди. Кейинчалик мана шу деворлар Самарқанднинг 2750 йиллигига



асос қилиб олинди. Тасодифни қарангки, Афросиёбнинг энг қадимги деворлари Кўктепанинг мудофаа деворлари каби гувалаксимон ғиштлардан бунёд этилган, улар Афросиёбда ўн метр чуқурликда бўлса, Кўктепада ер юзасида, шундоқ очиқ осмон остида эди. Бу жуда ноёб ҳодиса саналади.

Археологлар катта кашфиёт умидида яна Кўктепага йўл олди. Тепалик қолдиқлари, ички ва ташқи мудофаа деворлари қайтадан ўрганилди, шаҳарнинг қадимий маданий қатламлари янада муфассалроқ тадқиқ этилди, катта миқдорда янги археологик материаллар қўлга киритилди. Ўн беш йилдан ортиқ давом этган археологик тадқиқотлар фанга бу ноёб ёдгорлик тўғрисида жуда катта илмий натижалар берди. Кўктепа милоддан аввалги II минг йилликнинг охирги чорагида — сўнгги бронза ва илк темир даврида шаклланган бўлиб, нафақат Суғднинг, балки Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бирининг харобаси эканлиги илмий жиҳатдан исботланди.

### Басилея — шоҳ шаҳри

Суғднинг қадимий шаҳарлари тўғрисида маҳаллий ёзма манбалар ҳозирча номаълум. Ўлкамиздаги айрим кўҳна кентлар тўғрисидаги дастлабки узуқ-юлуқ маълумотлар қадимги юнон манбаларида, милоддан аввалги 329 йилда юртимизга бостириб келган Александр Македонский қўшини сафида келган тарихчиларнинг асарларида учрайди.

Юнон тарихчилари ўз кундаликларида Суғднинг ўша пайтдаги пойтахт шаҳрини Басилея дея тилга олади. Юнонлар тилида “Базилея”, “Базилеус” — “шоҳ”, “подшоҳ” маъносини беради. Яъни Басилея — шоҳ шаҳри ёки пойтахт шаҳар деган маъно касб этади. Юнон тарихчилари асарларида мазкур шаҳарнинг асл номи келтирилмаган ва юнонлар уни “Басилея” ёки шунчаки “пойтахт” деб тилга олган.



Басилеянинг қаерда жойлашгани масаласи билан хорижлик, шу жумладан, ўзбекистонлик олимлар ҳам қизиққан. Баъзи тарихчи ва археолог олимлар уни ўлкамизнинг қадимий шаҳри Бухоро ҳудудида, академиклар Э.Ртвеладзе ва А.Саъдуллаевлар эса Қашқадарё воҳасида, қадимий Нахшабнинг пойтахти Никшапая ўрнида, айрим тадқиқотчилар эса Афғонистон ҳудудларида жойлашганлиги тўғрисида турлича фикрлар билдирган.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн ўзининг Марказий Осиёдаги истилочилик юришлари даврида Суғднинг энг йирик шаҳри Смаракандага (Самарқанд, юнонлар уни Мараканда деб атаган) ҳужум уюштириб, шаҳарни бир неча ой мобайнида қамал қилади ва уни эгаллашга муваффақ бўлади. Шаҳар таслим бўлганидан кейин мудофаачиларининг катта қисми қириб ташланади, шаҳар талон-тарож қилинади. Александр бир неча ой давомида шаҳарда қўшин хавфсизлигини тўла таъминлагандан кейин ўлканинг бошқа ҳудудлари ва шаҳарларини истило этишда давом этди ва юнон тарихчиси Арриаaннинг ёзишича, (Александр) “Мараканда аркидаги қамални тугатиб, шимолга, Басилея (пойтахт)га кетди”.

Бу маълумот Басилея, яъни “пойтахт” Самарқанддан шимол томонда эканлигини кўрсатади. Бу маълумотдан Александр Македонский Самарқанддан кейин Суғднинг илк пойтахтини ҳам ишғол қилганини англаш мумкин. Археологик қазишмаларда Кўктепанинг мудофаа деворлари Александр ҳукмронлиги даврида ҳам таъмирлангани аниқланган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек ва француз археолог олимлари ҳамкорлигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Самарқанддан 25 километр шимолда, Челак шаҳри яқинида жойлашган




Кўктепа ёдгорлигида милоддан аввалги XII асрда, яъни бундан қарийб 3100 йил аввал пайдо бўлган қадимий шаҳар харобаларининг топилиши фандаги кўплаб илмий муаммоларни, жумладан, афсонавий Басилея шаҳрининг жойлашган ўрни, унинг локализацияси хусусидаги тахминларни ҳам ойдинлаштирди.

Кўктепа ёдгорлигининг очилиши ҳам ўзбекистонлик, ҳам франциялик археолог олимларнинг улкан кашфиётларидан бири ҳисобланади. Археологик қазишмалар жараёнида йирик шаҳар арки ва мудофаа деворлари, шаҳар аҳолиси турар жойлари, унинг марказида қад кўтарган ва майдони бир гектар бўлган маҳобатли подшоҳ саройи, саройнинг ёнида эса худди шунча майдонни эгаллаган улкан оташпарастлик ибодатхонаси харобалари очиб ўрганилди.

Сиёсий ва диний характерга эга бу улкан иншоотлар ўша даврда бу ҳудудда кучли давлат идораси фаолият юритганлигини кўрсатади. Кўктепа Марказий Осиёда илк темир давридаёқ шаклланган қадимий шаҳарнинг барча меъморий хусусиятларини ўзида намоён этган.

Ўзбекистондаги шаҳарсозлик маданияти тарихини қарийб тўрт юз йилга қадимийлаштирган эталон ёдгорлик сифатида археология ва тарихшунослик фанларида ўзининг муҳим ўрнини топди. Кўктепа юнон тарихчилари томонидан тилга олинган Суғднинг илк пойтахти — Басилеянинг



бизгача етиб келган харобалари эканлиги илмий жиҳатдан исботланди ва фанда бу шаҳарнинг қаерда жойлашганини аниқлаш билан шуғулланган олимлар томонидан ҳам тўла эътироф этилди. Агар Смараканда — Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб майдонини Кўктепа майдони билан солиштирган ҳолда фикр юритсак, Смараканда Александр истилоси даврида Суғднинг энг йирик иқтисодий ва савдо маркази сифатида фаолият кўрсатган бўлса, Кўктепа ўрнидаги шаҳар — Басилея эса сиёсий марказ бўлган.

### Қадим шаҳарсозлик мезонлари

Кўктепа-Басилеянинг энг қадимги шаҳар эканлигини эътироф этиш борасида яна бир маълумотни келтириб ўтиш лозим. Дунё археологияси ва тарихшунослиги фанларида қадимий йирик аҳоли манзилларини шаҳарларга ва қишлоқларга ажратиш учун маълум бир мезонлар мавжуд. Бу мезонлар Қадимги Шарқнинг Месопотамия, Миср каби қадимий ўлкалари ҳудудидаги йирик ёдгорликларни шаҳарларга ва қишлоқларга ажратиш учун дунёнинг бир қатор олимлари томонидан узоқ йиллар давомида махсус ишлаб чиқилган.

Кўктепанинг 23 гектарлик ички шаҳар, 100 гектарлик ташқи шаҳар майдони, шаҳарнинг маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралганлиги, ҳудудида саройлар ва ибодатхоналарнинг мавжудлиги, савдо-сотиқ йўлга қўйилганлиги бу йирик аҳоли манзили дунё археологияси ва тарихшунослиги фанларидаги барча ўлчовларга мос келиши унинг қадимий йирик шаҳар эканлигини яққол исбот этади.

Ёдгорликнинг рельефи устида олиб борилган археологик тадқиқотлар, энг замонавий юксак техника воситалари ёрдамида олинган аэрофотосуратлар ёрдамида ёдгорликнинг ўзига хос ва устки топографик хусусиятлари муфассал ўрганиб чиқилди. Ички шаҳар квадратсимон шаклда бўлиб, маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган. Бу деворлар қолдиқларининг устки рельефини кузатиб, ундаги қадимий тўртта дарвозанинг ўрнини яққол илғаш мумкин. Жануб томонда жойлашган асосий дарвозадан марказдаги ҳоким қароргоҳига ва шаҳар аркига борилган. Шаҳарнинг шимолий дарвозаси очиб ўрганилганда, унинг икки томонида маҳобатли миноралар қад кўтарганлиги аён бўлди. Мана шу дарвозадан ариқ орқали шаҳар ичкарисига сув кирган. Унинг ёнида пиёдалар юриши учун йўлакча ҳам бўлган ва шаҳарга пиёда кирилган.

Суғднинг биринчи пойтахти — Басилея Александр Македонский истилосидан кейин қанча йил фаолият кўрсатганлиги номаълум. Шаҳар милоддан аввалги III–II асрларда ўз фаолиятини тўхтатади ва ўз ўрнидан 4-4,5 километр шимоли-ғарбда, аввало, Видор, кейин Челак номи билан аталган шаҳар шаклида қайтадан қад ростлайди. Бу ерда олиб борилган археологик қидирувларда ана шу даврларга оид сопол парчалари учраган.

Шаҳарларнинг шаклланиши, фаолияти, вайронага айланиши ва маълум масофа нарида қайтадан қад ростлаб, умрларини давом эттириши тарихда бор гап. Бу хусусият бизнинг юртимиздаги қадимий шаҳарлар учун ҳам хос. Масалан, Қарши шаҳри милоддан аввалги VIII–VII асрларда ҳозирги Қаршидан 11 километр узоқликдаги



Ерқўрғон (Никшапая) ёдгорлиги ўрнида пайдо бўлиб, кейинчалик милодий VI асрда Шуллуктепа (Насаф) ўрнига, кейин эса ҳозирги Қарши шаҳри ҳудудига кўчган, яъни ўз ўрнини икки марта алмаштирган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик ёшига мана шу ёдгорликлар асос қилиб олинди. Шаҳрисабз (Кишш, Киш, Кеш) эса милоддан аввалги VIII–VII асрларда шаҳардан 10 километр узоқликдаги қадимий Узунқир, Подаётоқтепа ёдгорликлари ўрнида шаклланган, кейинчалик, милоддан аввалги III–II асрларда ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Қаландартепада, X–XI асрларда эса ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида қад кўтарган. Мана шу ёдгорликлар асосида Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланди. Самарқанд (Мараканда) дастлаб Афросиёб ўрнида бўлиб, мўғиллар босқинидан кейин ҳозирги Эски шаҳар ўрнига кўчган. Термиз (Термита, Тармита) эса даставвал ҳозирги Термиз шаҳридан 6 километр ғарбда жойлашган Эски Термиз ёдгорлиги ўрнида бўлган. Улар каби Басилея шаҳри ҳам ўз жойини бир марта ўзгартириб, ҳозирги Челак шаҳри ўрнига кўчган.

### Катта Суғднинг азалий ватани

Челак шаҳри ўрнидаги қадимий шаҳар харобалари илк бора 1940 йилда археолог олимлар И.Сухарев ва П.Лиференколар томонидан тадқиқ этилган ва шаҳарчанинг топографик плани қоғозга туширилган. Қадимий шаҳар икки қисмдан — арк-қуҳандиз ва шаҳристондан ташкил топган. Шаҳарнинг ўртасида майдони 100x70 метр, баландлиги 18 метр бўлган улкан ҳарбий истеҳком — арк жойлашган. Шаҳар арки узоқ йиллар давомида Челак шаҳрининг ўртасидаги улкан тепалик кўринишида қад ростлаб турарди. Лекин унинг ёнида қурилган ғишт заводи 1960-1970 йиллар давомида мана шу бебаҳо археологик обида тупроғи ҳисобига ишлаб, унинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

Шаҳарнинг жанубий қисми тахминан 15-20 гектар атрофида бўлиб, ҳозирда бу ҳудуд замонавий уй-жойлар остида қолиб кетган. Бир неча жойда ташқи мудофаа деворининг харобалари мавжуд. Ёдгорликнинг шимоли-шарқий қисмида унинг қадимий мудофаа деворлари қолдиқлари тахминан 200 метр узунликда жуда яхши сақланган. Шимолий қисмининг майдони эса кичикроқ, тахминан 15 гектар атрофида бўлиб, кейинчалик бу ҳудуд қабристонга айланиб кетган. Шаҳар жанубдан шимолга 870 метр, ғарбдан шарққа тахминан 400 метр чўзилган ва умумий майдони 35 гектардан ортиқроқ бўлган.

1961 йилда Басилея-Челак шаҳар аркига яқин бўлган ҳовлилардан бирида кавланган қудуқдан тасодифан қадимий тилла узук ва тўрт дона ноёб кумуш косалар топилган. Топилмалар Самарқанд шаҳрида жойлашган Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати музейига келтирилган. Эфталитлар даврига, яъни V–VI асрларга оид мисгарлик санъатининг бу ноёб намуналари ўша пайтдаёқ “Челак косалари” номи билан археология фанида жуда машҳур бўлиб кетган. Қадимий Суғд санъати тарихи бўйича хорижда ва Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳозирги кунларда ҳам бу топилмаларга доимий равишда мурожаат қилинади ва уларнинг янги-янги қирралари тўғрисида фикрлар ўртага ташланади.

Челак косалари юқори сифатли соф кумушдан ясалган бўлиб, устидан тилла суви югуртирилган. Улардан бири Эрон ва ҳозирги Туркманистон ҳудудларини эгаллаган Сосонийлар сулоласи даври санъати маҳсули бўлиб, V асрга, бошқа бир коса Эфталитлар ҳукмронлиги даврига, у ҳам V асрга, яна иккита коса эса V–VI асрларга мансубдир.

Келгуси ҳафтада Франция пойтахтидаги жаҳонга машҳур Лувр музейи ҳамда нуфузли Араб дунёси институтида мамлакатимизнинг бой маданий ва тарихий меросига бағишланган ноёб кўргазмаларда мазкур косаларнинг намойиш этилиши ҳам унинг нечоғлик бебаҳолигидан далолат беради.

Профессор, санъатшунос Л.Ремпелнинг маълумотига кўра, илк ўрта асрларда Челак шаҳрида зардуштийлик динининг худоларидан бири Деси шарафига бунёд этилган улкан ибодатхона бўлган ва бу бинода “ёвуз руҳларни ҳайдовчи” маъбуданинг олтин ҳайкали қад кўтариб турган.

Басилея-Челакнинг антик ва илк ўрта асрлар даври тарихи бўйича бошқа манбалар маълум эмас. Бунинг учун бу шаҳар ҳудудида кенг қамровли археологик қазиш ишлари олиб борилиши зарур.

Ўрта асрларга оид айрим ёзма манбаларда Самарқанднинг ҳозирги Пайариқ ва Қўшработ туманлари ва уларга қўшни ҳудудлар Суғуди Калон, Катта Суғд, яъни Буюк Суғд (Суғдиёна) номи билан тилга олинади.

Маркази Челак шаҳри бўлган бу ҳудудни шундай номлар билан аталишида, албатта, жуда катта мазмун, маъно бор. Суғд деган мамлакат, Суғд деб аталган географик ҳудуд ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро воҳаларини ўз ичига олган. Жанубда Амударё, жануби-шарқда Ҳисор тоғлари, шарқда Ғўддинтоғ, ғарбда Қизилқум саҳроси, шимолда Нурота тоғларини ҳам ўз ичига олган ва Сирдарёгача бўлган ҳудудда жойлашган жуда катта юрт. Нима учун унда айнан Зарафшоннинг ўнг тармоғи бўлган Оқдарёдан то Нурота тоғларигача бўлган кичик бир ҳудуд Катта Суғд, Буюк Суғд, Самарқанд шаҳри атрофлари эса Ним Суғуд, Суғуди Хурд ёки Кичик Суғд, дея таърифланган? Бу ҳам бежиз эмас.

Самарқанд вилоятининг археологик ёдгорликлари устида иш олиб борган академик Галина Пугаченкова ўз асарларида бу ҳудудларни “Қадимий Суғд цивилизациясининг азалий ватани” деб атаганди. Чунки бу ҳудудда 3100 йил аввал Марказий Осиёда биринчи марта тўлақонли шоҳ шаҳри пайдо бўлган.

Кўктепа ўрнида қадимги Басилеянинг шаклланиши, шаҳарнинг вайронага айланиши, қисқа вақт ичида ҳозирги Челак шаҳри ўрнида қайта қад ростлагани тўғрисидаги қисқача тарихи мана шундай.

Ҳозирда дунё туризмида археологик сайёҳлик кенг тарқалган соҳалардан биридир. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган беш мингга яқин археологик ёдгорликлар бу соҳани дунё миқёсига олиб чиқиш учун битмас-туганмас ва ноёб манбалар сирасига киради. Кўктепа ёдгорлигини ҳам очиқ осмон остидаги музейга айлантириб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бирининг харобалари сифатида тақдим этиш ҳозирги кунлардаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Дунёга кўз-кўз қиладиган нарсаларимиз жуда кўп. Бугун биз дунё олимларига Суғд-Суғдиёнанинг Самарқанд (Мараканда), Қарши (Никшапая, Нахшаб), Китоб-Шаҳрисабз (Кишш, Кеш) каби буюк шаҳарлари қаторида турувчи яна бир қадимий шаҳарни топганимизни билдиришимиз, бу шаҳар Басилея-Видор-Челак номлари остида 3100 йилдан бери яшаб келаётгани Янги Ўзбекистоннинг янгича ривожида, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда асқатиши турган гап, деб бемалол айтишимиз мумкин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1164.
81039 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:10 Топширилди — 00:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz